

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 2 август • сешанба № 30 (1026)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz



Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида

Инсон
ҳуқуқлари,
эркинликлари
ва қонуний
манфаатларини
таъминлашнинг
олтин даври



Бу йил озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг қутлуг
25 йиллиги юртимизда кенг нишонланади.

2

Қулайлик

Бугунги фермер:
нафақат маҳсулот етиштирувчи деҳқон
уни қайта ишловчи тадбиркор ҳамдир



Мамлакатимизда мустақиллигининг илк йиллариданоқ фермер хўжаликлари ни ташкил этишга қаратилган эътибор, фермерларни муносиб қўллаб-қувватлаш, уларга яратилган афзалликлар натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплай ижобий ютуқларга эришилди.

4

Адлия аралашгач...

Огоҳлантириш хати
ижросиз қолдирилди

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Қатор қонун ва фармонлар, қарорларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Бироқ юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга тўсик бўлаётган айрим ҳолатлар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Навоий шаҳрида фаолият юритувчи "Мохларойим Дурдонаси" масъуляти чекланган жамият раҳбари Меҳриддин Тоғаев ҳам ана шундай тўсиқларнинг бирига учраб, Навоий вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг Кармана туман архитектура ва қурилиш бўлими томонидан туман ҳудудида жойлашган ўз масъуляти чекланган жамиятига тегишли бўлган "Иссиқхона" иншоотини бузиш талаб қилинаётганидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида Кармана туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Искандар Турсунов томонидан тадбиркорлик субъектининг "Иссиқхона" иншоотини бузиш тўғрисида қонунга зид равишда огоҳлантириш хати берилганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат бўйича қонунбузилишига йўл қўйган мансбдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Кармана туман судига юборилди. Суд томонидан Кармана туман архитектура ва қурилиш бўлими томонидан қонуний берилган огоҳлантириш хатини ижросиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Қонунбузилишига йўл қўйган Кармана туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи И.Турсуновга эса жазоми тайинланди.

Алишер НУРМАМАТОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

2

Парламент ҳаёти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликда "Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакилларида иборат мутахассислар томонидан "ҳуқуқий бўшлиқлар", "ишламаётган" ва "турлича талқин қилиниши мумкин бўлган" нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида 300 дан ортиқ қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, натижада амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлангани ҳусусида сўз борди.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаш ва уни ўтказиш, ўтган давр ичида эришилган ютуқлар ва натижаларнинг амалий таҳлили ва келгуси тараққиёт йўлимиз истиқболларини мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Хоразм вилоятида ташкил этилган "Мустақиллик — нури истиқболимизнинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам асоси" мавзусидаги конференцияда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, мустақиллигимизни қадрлаш ва уни кўз қорачигидек асраш лозимлиги таъкидланди.

Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган тадбирда эса истиқлол йилларида фермерлик ҳаракати — қишлоқларимизнинг ривожланишида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч сифатида муҳим аҳамият касб этаётганлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ҳамда фермерлиқни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва қарорларни яратиб берувчи Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Сирдарё вилоятида ўтказилган семинарда эса депутатлар мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилганлиги, она ва бола соғлигини таъминлаш масалаларида олиб борилаётган ишларга кенг ўрғу берилди.

Аҳоли ўртасида тўғри оғакланиш ҳамда микроуриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазили болалар фоизи 19 дан 5 гача, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охириги йилларда камқонлик фоизи 60,0 дан 33,15 гача камайганлиги, шунингдек, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз

Талқин

Адвокатура институти
истиқболи

ИСТИҚЛОЛ йилларида адвокатура институти тубдан ислох қилинди. Пировардида, адвокатларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи сезиларли даражада ошди.

Масалан, 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатура фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши адвокатура тизимини такомиллаштиришда ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти аниқлаш чоралари тўғрисида"ги Фармони адвокатура соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур Фармонда барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасини тузиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси ташкил қилинган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча адвокатлар малакаси ва маъёнини юқори даражага кўтаришга қаратилган ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳамасининг 2009 йил 9 мартдаги "Адвокатура фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ана шундай ҳуқуқий асосларга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мазкур қарорга биноан адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга малакали ёрдам кўрсатилиши таъминлаш мақсадида, адвокат илмий ва педагогик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақиқат эъломига кўрсатилган. Шунингдек, адвокат макomini олиш талабдор шахс юридик мутахассислиги бўйича камиди икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида опти ой муддат стажировка ўтаган ва малака имтиҳонини топишган, малака имтиҳонини муваффақиятли топишган талабдор эса лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши кераклиги белгиланган.

Белгиланган тартибга асосан лицензия олган талабдор уч ой ичида адвокат қасамддини қабул қилиши ва яқка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият

2



"INSON VA QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна нарҳиси — 137,
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
website: minjust.uz
Tel/fax: 268-19-97



"HUQUQ VA BURCH"
ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна нарҳиси — 902,
e-mail: info@huquqburch.uz
website: huquqburch.uz
Tel/fax: 268-27-35



"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида"
ҳафталик расмий нашрга обуна бўлинг!
Обуна нарҳиси — 949,
e-mail: info@adolatnash.uz
website: adolatnash.uz
Tel/fax: 268-28-45



"Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномалари тўғрисида"
расмий нашрга обуна бўлинг!
Обуна нарҳиси — 916,
e-mail: info@adolatnash.uz
website: adolatnash.uz
Tel/fax: 268-28-45



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали
Сиз фаолиятга оид батафсил
маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

✓ Давра суҳбати

Парламент назорати: атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг самарали усули

БУНДАН чамаси ўн йиллар муқаддам марҳум Ватандошимиз, заҳматкаш олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддин **“Тафаккур”** журналидаги **“Экология ва маданият”** мақоласида инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатлар тобора жиддий қиёфа касб этиб бораётганини, агар атроф-муҳитга нисбатан оқилона ва онгли ёндашув бўлмаса, оқибати аянчли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини билдириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, ХХI асрга келиб инсоният дуч келган кўплаб жиддий глобал муаммолар қаторидан атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологиянинг кескин бузилиши ҳам жой олди. Унинг оқибатида эса тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада табиий офатлар, кўплаб бедаво касалликлар пайдо бўлмоқда. Энг ачинарлиси, бунинг натижасида минг-минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида **“Парламент назорати — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлашда самарали механизм сифатида”** мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу давра суҳбати дастури доирасида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Газетамизнинг бугунги сонидида мазкур давра суҳбатининг мақсади ва аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишасиз.

Борий АЛИХАНОВ — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунга келиб, инсоният олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган глобал муаммолар атроф-муҳит ва экология билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Айрим ривожланган мамлакатлардаги саноат чиқиндиларининг ҳаддан ташқари кўпайиб бораётгани озон қатлами туїнуғининг кенгайиб боришига сабаб бўлиб, натижада ер юзи ҳарорати сезиларли даражада ортиб бориб, абадий музликлар тез эриб кетмоқда, дарёлар тошиб, тошқин ҳамда селлар одамлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тахминий маълумотларига кўра, 2030 йилга келиб, глобал иқлим иссиқидан жаҳон иқтисодиётига етказиладиган йиллик зарар 1,5 триллион фунт-стерлинг (2 триллион доллар)ни ташкил этиши мумкин экан.

Ўзбекистон истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ атроф табиий муҳитни сақлаш, экологияни ифлослантirmаслик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни асосий вазифалардан бири деб белгилаб, бу борада тизимли ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг асосий дастурий вазифаларига қуйилганлар кирлади:

— атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фавқулоддий ҳар томонлама кучайтириш;

— атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш;

— атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш;

— жамоатчилик этиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суришда ҳал этиш зарурати қаратган ҳолда Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ватанамизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани баҳарлида фалол иштирок этишга чақиради.

Энди бевоқифа бугунги тадбир ҳақида тўхталадиган бўлсам, тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва та-

биий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик ҳамда Давлат Дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги ишларини янада жонлантириш ва олдимизда турган муҳим вазифаларни мувофиқлаштириш ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳамкорлигини янада кучайтиришни атрофли муҳофаза қилишдир.

Улугбек МУҲАММАДИЕВ — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):



— Дарҳақиқат, юқорида Борий Ботиров таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида давлат экологик сиёсати асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кенг қамровли ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури”, “2015-2017 йилларда Орол оқибатларини юмшатиш, Оролбўйи ҳудудларини қайта тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Комплекс чора-тадбирлар” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ҳамда табиатга салбий техноген таъсирларни камайтиришга кўмаклашиш Омбудсман институти фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шунинг учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш таъминлашга кўмаклашиш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятида алоҳида ўрин эгаллаган. Аҳоли учун яшаш муҳити ва экологик ҳавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шарт-шароитларини яратиш, иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш борасида қонунчилик ва давлат дастурларининг ижроси юзасидан Омбудсман томонидан парламент назорати амалга оширилди.

Конституцияимизнинг тегишли моддаларида “фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур”лиги, давлат органлари ва жамоат ташкилотларнинг экологик фаолиятининг асосий тамойиллари, экологик ҳуқуқ кафолатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг

экологик жиҳатдан барқарор ривожланишининг устувор йўналишлари белгиланган.

Жумладан, Конституцияимизнинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, деб белгиланган. Айнан ушбу норма билан давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган қонуний манфаатларини таъминлайди.

Бунинг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетганда, алоҳида қайд этиш керакки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тартибга солувчи ташкилий-ҳуқуқий базаси 20 дан ортқ қонун ва 170 дан зиёд қонуности ҳужжатларини ўз ичига қамраб олади.

Анвар ЯШНАРБЕКОВ — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибиятининг катта референти:



— Юқорида таъкидлаб ўтилган қонун нормалари асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда ваколатли давлат органлари билан бир қаторда, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларининг таъминлишида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан парламент назорати ўрнатилганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

2015 йил мобайнида фуқаролардан экологик ҳуқуқларга доир 255 та муножаат келиб тушган. Муножаатларда фуқароларнинг сугориш учун сув таъминоти, ишлаб чиқариш қороналари томонидан атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши, рухсат этилмаган жойларда маиший чиқиндиларнинг тўпланиши масалалари ўз аксини топган.

Мазкур муножаатлар ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, натижаларига мувофиқ тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, Наманган вилоятидаги “Қўшминор” маҳалла аҳолисининг талабига кўра, сугориш суви билан таъминлаш масаласи 2016 йилга мўлжалланган маҳаллий дастурга киритилган ҳамда Тошкент шаҳридаги атроф-муҳит учун зарарли бўлган қорхона фаолиятини қонун талаблари асосида ишлаши юзасидан чоралар кўрилган.

Муножаатларни кўриб чиқиш жараёнига белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, Ва-

кил ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари, олимлар, мутахассислар ва экспертлар жалб этилади ҳамда бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, юзга келадиган муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” доирасида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, жамиятимизда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кенгайишига имкон яратди ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Шу аснода, Омбудсман томонидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Нурия АЙТЖАНОВА — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси:



— Истиклол йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида муайян тажрибамиз, жамиятимиз аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сўй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасида **“Қучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** концепцияси амалга оширилаётган ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги таъминлаб берилаётган даврда экологик ҳавфсизлик, мусавфо атроф-муҳит, соғлом генофонд масалалари мамлакатимизнинг бугуни ва келажигини ўйлаётган фуқароларни бефарқ қолдирмаслигини билдиради.

Маълумки, жаҳон тажрибасида дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида нафа-

қат жамоат ташкилоти сифатида, балки етакчи сиёсий куч тариқасида танилишга улгурган экологик ёки “яшиллар” ҳаракатлари мавжуд: Ҳозирда улар фаолиятидаги айрим нуқсонлар кўзга ташланиб қолаётир. Жумладан, уларнинг фаолияти ўта сиёсийлаштирилганлигини ҳам алоҳида айтиш лозим. Чунки бу ташкилотлар ўз олдида сиёсий мақсадларни, вакиллик органларига ўринлар эгаллаш вазифаларини қўйиб, парламентда ўрин олган, сўй-ҳаракатларини, аввало, сиёсий курашларга йўналтириб, экология масаласидаги мақсад ва вазифалар билан амалда шугулланмай қўймоқда.

2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати эндиликда том маънода мустақил юртимизда фаолият юритаётган энг фаол жамоат ташкилотларидан бирига айланди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик ёндашув мамлакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги гоёларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштиришга қаҳқирланган оммавий жамоат ҳаракатидир.

Саидбек АЗИМОВ — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибиятининг мудир:



— Ҳамкасбимнинг фикрларини давом этириб таъкидлаб ўтмоқчиманки, Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва битимлар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Судьялар ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Адвокатлар Палатаси, “Нуроний” жамағамаси ва бошқа жамоат ташкилотлар шулар қаторидандир.

Бугунги тадбирнинг асосий мақсадларидан бири ҳам Омбудсман ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолашдан иборатдир. Шунга кўра, ушбу маърузадан фойдаланиб, мазкур меморандумнинг мазмун-моҳияти билан қисқача сизларни хабардор этишни лозим, деб топдик.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мазкур соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, ушбу соҳа доирасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек, ўзаро ҳамкорликда тадбирларни амалга ошириш мазкур меморандумнинг предмети ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, инсоннинг экологик ҳуқуқларини қарор топтириш, уни амалда таъминлаш олдимизда турган муҳим ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Шунга кўра, мазкур вазифаларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши инсон ҳуқуқлари таъминлишини соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини оширибгина қолмасдан, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: **“Ҳеч кимга сир эмас, факатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадрлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади”**.

Таққос

Миллий ва хорижий тажриба

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланиши, қабул қилинган қонунлар ва қонунчилик нормаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида, архив иши соҳадаги миллий қонунчилигимиз ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилди.

“Архив иши тўғрисида”-ги Қонуннинг 33-моддасида архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши нормаланган.

Бироқ амалдаги қонун ҳужжатларида “Архив иши тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахсларнинг қай тартибда жавобгарлиги белгиланмаган.

Қонун ҳужжатларида архив ҳужжатларини сақлаш ва сақлаш учун топшириш, архив хизматлари кўрсатишининг белгиланган тартибини бузиш учун жавобгарлигининг белгиланмаганлиги оқибатида, фуқаролардан уй-жой масаласи, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар каби ижтимоий масалаларда архив ҳужжатларидан нусха олиш бўйича қўллаб-қувватлаб келиб тушмоқда.

Ўтказилган таҳлилларда, айрим қорхона, ташкилотлар томонидан ҳужжатлар архивга топширилмаганлиги сабабли архив ҳужжатидан кўчирма олиш имконияти бўлмаётганлиги ёки сақланиши лозим бўлган ҳужжатлар архивга тўлиқ топширилмаётганлиги, айримларда эса ҳужжатлар бел-

гиланган тартибларга риоя этиш ҳолда сақланмаётганлиги маълум бўлмоқда.

Масалан, фуқаро А.Юлдашев нафақага чиқишда ўзи ишлаган акциядорлик жамияти ҳужжатлари давлат архивига топширилмаганлиги сабабли меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатидан кўчирма олишда амалий ёрдам бериши сўраб мурожаат қилган.

Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилловчи норманинг киритилиши архивлар томонидан архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш қоидаларига риоя этилишига, архив ҳужжатларининг йўқолишини ёки яроқсиз ҳолга келиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур масала юзасидан хорижий давлатларнинг қонунчилиги ўрганилганда, уларда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлигини белгилловчи нормалар белгиланганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Франция, Испания, Латвияда архив ҳужжатларига шикаст етказиш, ноқонуний

олиб қўйиш, эгаллаш учун қўл миқдорда жарима жазоси белгиланган.

МДХ давлатларидан Россия, Беларуссия, Украина, Туркменистон ва Қозғоғистоннинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексларида архив ҳужжатларини сақлаш, жамлаш, ҳисобга олиш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик, яъни жарима жазоси белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Архив иши тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлигини белгилловчи норманинг киритилиши юзасидан тақлиф ишлаб чиқилди.

Мазкур тақлиф Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), “Узархив” агентлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

Зафар МУСТАФАКУЛОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими



Миллий матбуот марказида

ИЧКИ ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан “Соғлом она ва бола йили”да вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда жорий йилнинг ўтган даврида ички ишлар органлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож 40 мингга яқин вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактик тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди.

— Ота-она қаровисиз қолган 5 минг 500 нафарга яқин вояга етмаганлар республикамизнинг ҳар бир минтақасида фаолият кўрсатаётган, замонавий жиҳозланган, янги, шинам, вояга етмаганлар учун барча қулайликларга эга бўлган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилиб, яқинларига қайтарилди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори Умид Мирзатиллаев. 450 мингга яқин оилалардаги вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ўрганилиб, ўз вазифаларини бажармаётган 8 мингдан ортиқ ота-оналар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда муҳокама қилинди.

Амалга оширилган профилактик огоҳлантирув тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 6,2 фоизга камайишига эришилди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Ҳуқуқий маслаҳатхона



— МЕРОС қолдирувчи томонидан тузилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва шу каби битимлар унинг ўлимидан сўнг ҳам ҳақиқий ҳисобланадими?

К.ТУРИМОВА,
Томди тумани

— Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига кўра, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Мазкур кодекснинг 1118-моддасига кўра эса васият ва қонун бўйича ворислар сифатида, жумладан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган шахслар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан сўнг тирик тутилган болалари бўлиши мумкин.

Биргаликдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан, мол-мулкнинг натура ҳолида бўлишининг иложи бўлмаганда эса улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Саволга Зарафшон туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи Ғайбулла МИРЗАЕВ
жавоб берди.

— ЎТГАН йили фарзандимга идора орқали васиятнома расмийлаштирилган эдим. Ушбу васиятномани бекор қилишим мумкинми?

З.ХОЛИҚОВ,
Навоий шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига асосан васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўғридан бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгаришига ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўғрисидаги ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома, ўз навбатида, бекор қилинган ёки ўзгариштирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўғрисидаги ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Саволга Зангиота туман 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ҳабибулла ПЎЛАТОВ жавоб берди.

Реклама

Бугунги фермер:

нафақат маҳсулот етиштирувчи деҳқон уни қайта ишловчи тадбиркор ҳамдир

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Хусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 5430 та фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, уларга 288 минг 898.4 гектар майдон ажратиб берилган. Фермер ҳўжаликларида 12 минг 490 нафар киши иш билан таъминланган.

Йил мобайнида ички бозорни сабзавот, картошка, мева ва поллиз маҳсулотлари билан доимий таъминлаш, шунингдек, хориж бозорларини ўтими ва рақобатга чидамли бўлган сифатли мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт қўламини кенгайтириш ва турларини қўлайтиришда Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва поллиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қарорга кўра, республикамизда бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассислари ва Адлия вазирлиги ходимларининг таҳлилларига кўра, 11 минг 111 гектарга сабзавот, 9508 гектарга поллиз, 5325 гектарга картошка экилиб, тўлиқ навлар олинди. Бундан ташқари, 247 гектар майдонда янги интенсив боғлар, 247 гектарда тоқзорлар яратилди. Ушбу майдонларга 123,5 минг донна мевали дарахт, 296,4 минг донна тоқзор навлари экилди. Шу билан бирга 118 гектар майдондаги эски боғ, 65 гектар тоқзор реконструкция қилинди.

Фермер ҳўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларга шарт-шароитлар яратиш, экин майдонларидан мақсадли фойдаланиш бўйича барча туманларда ер майдонларини оптималлаштириш ишлари олиб борилиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди.

Президентимизнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Қарори асосида 2016 йилги ҳосилдан бошлаб сифатли мева-сабзавот, картошка, поллиз маҳсулотлари ва узум сотиб олиш бўйича давлат буюртмалари эҳтиёжлари учун киритилиши, сифатли мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари “Ўзагроэкспорт” иختисослашган ташқи савдо компанияси томонидан ташқи шериклар билан тўғридан-тўғри экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш қорхоналари ўртасида тузиладиган шартномалар бўйича экспорт қилиниши улкан имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи қорхоналар билан “Ўзагроэкспорт” иختисослашган ташқи савдо компанияси ўртасида шартномалар тузиш ишлари тўлиқ якунланди. Россия Федерацияси ва Қозғоғистон Республикасига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Элимизнинг тенги йўқ иқлими юқори сифатли мева-сабзавотларни етиштириш учун қўлай шароит яратди. Шунинг учун маҳсулотларимиз мазаси ўзгача. Шу нукта назардан, Президентимизнинг бу Қарори юртимизда сифатли мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сотиб олиш бўйича тизимнинг ташкиллаштирилиши билан бир қаторда, соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омилдир.

Бугунги фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чегараланиб қолмай, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқда. Натижада қишлоқ жойларига саноатни олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, энг муҳими, ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Замир ХОДЖАХМЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими

2016 йил 22 июлда

Fitch Ratings

халқаро
рейтинг агентлиги

“Асака”
акциядорлик
тижорат банкининг

халқаро кредит рейтингини
қўтарди ва истиқболлини

“БАРҚАРОР”

деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилояти
Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти
Фарғона шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Озирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича ҳамда уч йил меҳнатда ишлаганга эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2016 йил 2 сентябрь) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Қобилов О’кир Бағроевич (Қобилов Ўткир Бағроевич)га “Бухоро” адвокатлар ҳай’ати муассасалари таркибига кириши муносабати билан бошқарманинг 2016 йил 20 июлдаги буйруғига асосан адвокатлик макъоми (адвокатлик гувоҳномаси №294, 20.07.2016 й.) берилди.

Фуқаро Таҳмиюрд Астановнинг аризасига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 июлдаги 65-А-ум-сонли буйруғига асосан Бекобод шаҳрида жойлашган “РО’ЛАТ” адвокатлик бюросининг адвокати Таҳмиюрд Астановга 2009 йил 26 майда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни Т5 №00082 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 2009 йил 30 июнда берилган 1018-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокат макъоми тўғрисида.

Адвокат макъомига тўғратиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тўғрисидаги сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 июлдаги 62-А-ум-сонли буйруғига асосан Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган “АДОЛАТ САНТАТИ” адвокатлик бюросининг адвокати Насриддинов Асомиддин Муҳиддиновичнинг адвокат макъоми тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Низомининг 28-банди яқросини таъминлаш мақсадида вазирлигининг 2016 йил 14 июлдаги 205-ум-сонли буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2009 йил 30 июнда 25-сон билан давлат рўйхатига олинган Чимбой тумани, Гагарин кўчаси, 5-уйда жойлашган “Аймурад Балтабаев” адвокатлик бюроси (СТИР-207018740) давлат рўйхатидан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг 2016 йил 15 июлдаги 03-сонли қарорига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 июлдаги 269-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳридаги “Ҳақиқат тарғабдори” адвокатлар ҳай’ати адвокати Исақов Исмоилжон Собировичга берилган лицензиянинг амал қилиши (лицензия 05.06.2009 йил, ФЕ №000120, адвокатлик гувоҳномаси №136, 08.01.2013 й.) ва адвокат макъоми 3 ой муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Музаффар Маҳмадминовга отаси

Жаббор МАҲМАДМИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Олмазор туман 9-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бехзод Алимовга отаси

Қўркмас АЗИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.